

“Андижон биокимё заводи” АЖ нинг  
2016 йил 2-ноябрдаги кузатув кенгаши  
йиғилиши қарори билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”  
Кузатув кенгаши раиси:

А.К.Гаффоров

“Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамиятининг  
“Ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва  
акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин  
бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг  
аниқ мезонлари тўғрисида”ги  
**НИЗОМИ**

Андижон -2016 йил

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги, “Тижорат сири тўғрисида”ги Қонунлари, бошқа қонунчилик хужжатлари, “Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамияти (кейинчалик Жамият) нинг устави, ва акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 31.12.2015 йил 31 декабрдаги №9 сонли баёни билан тасдиқланган Корпоратив Бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг аниқ мезонларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланган:

**махфий ахборот** — фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот;

**тижорат сири** — учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фантехника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иктисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради;

1.3. Тижорат сирини махфийлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 24 февралда 2081-рақам билан давлат рўйхатига олинган “Эмитентлар томонидан махфий ахборотни муҳофаза этишни ташкил этиш тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

## II. АХБОРОТЛАРНИ МАХФИЙ АХБОРОТЛАР, ТИЖОРАТ СИРЛАРИ ВА АКЦИЯЛАР НАРХИННИГ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ЭТИШИ МУМКИН БЎЛГАН БОШҚА МАЪЛУМОТЛАР ТОИФАСИГА КИРИТИШ МЕЗОНЛАРИ

2.1. Ахборотлар - махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган ахборотлар тоифасига киритилиши учун қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши лозим:

- учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ўз мулкдори учун ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлиши;

- қонун хужжатларига мувофиқ ҳаммага маълум ёки ҳамма учун очиқ бўлмаслиги;
- унинг махфийлиги муҳофаза қилиш чора-тадбирлари билан таъминланган бўлиши;
- давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир белгиларига эга бўлмаслиги.

2.2. Қўйидаги ахборотлар (маълумотлар) тижорат сирини ташкил этиши мумкин эмас:

давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкка доир ҳукуқлар ва бу ҳукуқлар бўйича битимлар тўғрисидаги;

жамиятнинг таъсис хужжатларидаги, жамият ҳақидаги ёзувлар тегишли давлат реестрларига киритилганлиги фактини тасдиқлайдиган хужжатлардаги;

жамиятнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳукукини берувчи хужжатлардаги;

атроф муҳитнинг ифлосланиши, ёнгин хавфсизлигининг ҳолати, санитария-эпидемиологик ва радиациявий вазият, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқариш обьектларининг хавфсиз фаолият кўрсатишини, ҳар бир фуқаронинг ва бутун аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар ҳақидаги;

ходимларнинг сони ва таркиби, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва меҳнат шароитлари тўғрисидаги, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликлари кўрсаткичлари, шунингдек бўш иш ўринлари бор-йўклиги ҳақидаги;

жамиятнинг иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий тўловлар бўйича қарздорлиги тўғрисидаги;

жамият ва жамиятнинг мансабдор шахслари томонидан қонун хужжатлари бузилишлари ва бундай бузилишларни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш фактлари тўғрисидаги;

жамият таркибидаги нотижорат ташкилотлар даромадларининг миқдорлари ва тузилиши, ушбу ташкилотларнинг мол-мулки миқдорлари ва таркиби ҳақидаги, уларнинг харажатлари, бу ташкилотлар ходимларининг (аъзоларининг) сони ва меҳнатига ҳақ тўлаш, нотижорат ташкилотнинг фаолиятида фуқароларнинг текин меҳнатидан фойдаланилиши тўғрисидаги;

юридик шахс номидан ишончномасиз иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати ҳақидаги;

давлат статистика ҳисоботи сифатида тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар.

Ошкор этилиши шартлиги ёки фойдаланишни чеклашга йўл қўйилмаслиги бошка қонунда белгиланган маълумотлар тижорат сирини ташкил этиши мумкин эмас.

### **III. ЯКУНИЙ ХУЛОСА**

3.1. Ушбу Низом талабларини бузишда айбланган шахслар Конунчиликда белгиланган тартибга жавобгарликка тортиладилар